



Окмасжид 1817 йилда Сирдарёнинг чап киргогида Кўкон хонлиги тарафидан курилган бир кўргон эди. Бу кўргон душманга карши калъа вазифасини ҳам бажарар эди. Бу калъанинг кўмондони кейинчалик Шаркий Туркистон давлатини курган Ёкуббек эди. Ёкуббек харб ва жанг килиш санъатини мукаммал эгаллаганлиги сабабли бу чегара шахарга кўз тиккан душмanning кичик харакатларини ҳам сезарди. 1852 йил 16 апрель куни шахар чегара сокчилари русларнинг фотографларини тутиб оладилар. Бу воқеадан кейин генерал Перовскийнинг буйруги билан полковник Бламберг 600 пиёда, 200 отлик, 15 тўпгача бўлган аскарлар билан калъани камал килдилар. Калъада 50 нафар сокчи ва 70га якин савдогарларгина бор эди. Шахар ичидаги кўргон крепостлардан:

- 1) Чим кўргонда 12 аскар;
- 2) Камиш кўргонда 25 аскар;
- 3) Кўш кўргонда 4 аскар;
- 4) Жолин кўргонда 40 аскар;
- 5) Янги кўргонда 3 нафаргина аскар бор эди.

Шахар деворлари душман хужумига карши калин килиб курилган бўлиб, унинг калинлиги тўрт саржин эди. Икки катор девор 6 бурчакли килиб курилган эди. бу кўргонни душмanning артиллерия ўклари буза олмасди. Душман сон жихатдан кўп бўлгани учун шахарнинг ташки тарафини босиб оладилар. Аммо Окмасжид мудофаачиларининг кахрамонлиги билан душман оркага улоктириб ташланади. Бу чекинишдан ва Туркистон туркларидан олган сабокларидан кейин душман янада кучлирок тайёргарлик кўришни бошлайди. Иккинчи марта Окмасжидга хужум килиш учун генерал Петровскийнинг ўзи 1250 отлик аскар, 4 пиёда батальон, 36 тўп ва харбий мухандислик бўлимлари, сув кучлари билан шахар атрофига ўрнашади.

Биринчи марта маглубиятга учраганидан кўркиб колган руслар бу галги жангни “экспедиция” деб атайдилар. Душман шахар чегарачиларидан шахарни топширишни сўрайди, бунга жавобан ботир чегарачилар уларга карши ўк отадилар. Бу вақтда Окмасжидда Кўкон хонлигининг 250 нафар аскарлари тўпланади. Кўкон хонлигидаги ичик

низолар сабабли душманга карши етарли куч келмаган эди. Кўмондон Ёкуббек ёрдамсиз колди. Шундай бўлса ҳам кахрамон мудофаачилар Окмасжидни 22 кун химоя килиб турдилар. Алал окибат ўзларидан 15 марта кўп бўлган душман билан жанг килишга кувватлари колмади. Жангда Европа жанг техникасига эга бўлган русларнинг оз сонли, оддий куролланган чегарачиларга нисбатан анча кобилиятсиз эканликлари билиниб колган эди. 1852 йил 19 июль куни чегара сокчиларидан 20 киши девордан ошиб тушиб, русларнинг коровул кисмларига хужум килдилар. 22 июль куни яна 40 нафар чегарачи русларнинг ички томонига хужум килади. Руслар хакикатдан ҳам туркистонликлардан шармандаларча енгилла бошлайди. Перовский Окмасжид деворларининг остига портловчи моддаларни кўйишни буюради. 27 июль куни девор тагидаги портловчи моддалар портлаб, 40 саржин девор кулайди. Чегара сокчилари бу ердан русларнинг ичкарига киришга йўл бермайдилар. Лекин душман кўп куч билан хужум килади. Мудофаачиларга Чимкентдан келиши лозим бўлган ёрдам кучлари етиб келмайди. Русларни шахарга киритмасликнинг чорасини кўриш хакида Худоёрхонга бориб хабар бериш учун кўмондон Ёкуббек ўз ўрнига Мухаммад Валини колдириб кетган эди. Мухаммад Вали девор кулаган куни аскарларига душманга тирик кўлга тушмаслик ва Ватанни сўнгги томчи конлари колгунча химоя килишга буйрук бериб, руслар билан жангда шахид бўлади. Мудофаачилар шахарни топширмайдилар. Душман катта куч билан бостириб киради. Шахарда 83 нафар аёл, 65 нафар ёш бола, 300 га якин эркак бор эди. улардан 226 эркак, 4 нафар аёл ва болалар халок бўлади. Колган кахрамон йигитлар яраланганди. Руслар шахарга бостириб кирганида кўлига милтик олиб курашадиган биронта ҳам киши колмаганди. Аёллар, хатто болалар ҳам душманга карши сўнгги дакикаларгача курашдилар. Боскинчилар ярадорларни отиб ўлдирдилар. Болаларни отлик аскарларга килич билан жанг килишни ўрганишлари учун нишон сифатида бердилар. Уларнинг ҳам бошлари килич билан кесилди. Боскинчиларда мудофаачиларга караганда тўрт баробар кўп йўкотиш бўлган эди.

Окмасжиднинг кўлдан кетганлигидан каттик таъсирланган Тошкент беги Шабдон Хожи кейинрок, Сопибеклар ўз аскарлари билан боскинчиларга карши йўлга чикиб, вақтни бой берганлари учун бир неча махаллий жанглар килиб, оркаларига кайтади. Ёкуббек Худоёрхонни ватаннинг эркинлигини, дахлсизлигини саклаб кололмагани учун айбдор билиб, Бухоро амирлиги карамогига ўтиб кетади. Шу ердан Шаркий Туркистонга кетиб, ўзининг давлатини куради. Боскинчиларнинг Сибир кўшини 1854 йили Олатов этагидаги Кўкон хонлигининг Тўйчибек кўргонини босиб олиб, Верний (хазирги Алмати) шахрини куришга буйрук беради. Туркистонликлар шахарни курадилар. Бу кўшинга карши чикиш учун келган Канатшоҳ 1860 йил 24 октябрда оркага чекинади. Орадан кўп ўтмай Кўкон хонлигининг Пишпек, Мерке, Тўкмок, Еттисув кўргонлари ҳам душман кўлига ўтди. Оренбург кўшини Туркистон шахри атрофидаги ерларни эгаллаб, боскинчиларнинг хар икки гурухи 1863 йили шахарга якинлашадилар. Бу вақтда Кўкон хонлигида ички вазият огирлаша бошлайди. Худоёрхон боскинчиларга карши кураша олмайдиган киши эди. Боскинчилардан Ватанни саклаб колиш учун Худоёрхоннинг укаси Маллахон чикади. У 1858 йили Худоёрхонни тахтдан ағдариб, хонликни бошқаришга киришади. Маллахон Ватанни саклаб колиш учун харбий ишларга кўп куч сарфлади. Шунинг учун Канатшоҳ кўмондонлигидаги кўшинни тузди. Туркистон, Авлиёота шахарлари атрофига кўшимча истехкомлар курди. Кўплаган тўплар ясаттирди. Маллахон бир томондан мамлакат хўжалигини тиклаш, иккинчи томондан боскинчилардан химояланиш чораларини кўраётган вақтда Бухоро амирлигида кочиб юрган Худоёрхоннинг буйруги билан жияни

Шохмурод тарафидан 1862 йилда ўз саройида ўлдирилди. Шохмурод хон бўлади. Худоёрхон тахтини кайтариб олиш учун унга карши уруш очади. Бундан фойдаланган Бухоро амири Музаффар Кўкон хонлиги ерларини босиб олади. Маллахон тарафдори бўлган кўмондон Алимкул ва унинг ёш ўгли Султон Саййидлар тахтни кўлга олади ва ички душманларни кува бошлайди. Мамлакатда бундай огир вазият бўлиб турган вақтда душманнинг Сибир гурухи 1864 йил Авлиёотани босиб олади. Оренбург гурухининг бир отряди Туркистон шахрига хужум бошлайди. Боскинчиларни шахарга киритмаслик учун курашган ботир, кахрамон Султон Содик, тоғ бургути Кенасарининг ўгли Ўрта жуз хони Абилайнинг невараси эди.

Султон Содик боскинчиларни Туркистон шахрига киритмаслик учун душманга каттик каршилиқ кўрсатса ҳам, 1864 йил 5 июнда руслар шахарни босиб олдилар. Султон Содик Сўзokka чекиниб, душманга каршилиқ кўрсатади. Душманнинг Чимкентга яқинлашиб келаётганини билган Алимкул Султон Содик билан бирлашиб, Чимкентда русларга карши жанг қилишга келишадилар. Чимкентни химоя қилишга қириндилар. Чимкент шахри Кўкон хонлигининг энг қучли кўргони эди. Бу шахардаги мудофаа қизиклари тепаликка ўрнатилганлиги сабабли душманга хужум қилиш учун ноқулай эди ва кўп кон тўқишга мажбур қиларди.

Рус генерали Черняевнинг кўрсатмаси бўйича: Чимкентни кўлга қиритиш бутун Туркистоннинг қалитини кўлга қиритиш билан баробар эди.

Чимкентнинг мустаҳкам истехкомга эгаллиги ва бунинг устига у ерда Алимкул кўмондон бўлиб турганлигини тушунган руслар шахарни уч тарафдан ўраб, хужумни бошладилар. Руслар 1300 аскар ва уларга керакли қуроллар билан 1864 йил 7 июль куни Чимкентга хужум қилдилар. 15 июль куни руслар бу вақт ичида ўлган аскарларини йиғиштириб олиш учун бир кун вақт ажратдилар. Шу куни Чимкент мудофаасида шахид бўлган кахрамонларни ҳам дафн қилдилар.

Бош кўмондон Алимкул шахидлар қабри олдида бош эгиб, ўз қўшини ва халқ олдида оташин нутқ сўзлади. У Ватанни боскинчилардан саклаб қолиш, келажак авлод бўйнига душман бўйинтуругини солмаслик ва эркинлик учун уларни ватандан қувиб чиқармагунча курашни тўхтатмаслигини айтиб, қасам ичди. Алимкул ва Султон Содик 10000 аскар билан 22 июль куни душманга қарши хужумга ўтди. Ўртада қонли жанглар бўлди. Икки томон араллашиб кетиб, қўл жангга бошланади. Қучи ортиқ бўлишига қарамай генерал Черняев ортига чекинади. Алимкул русларни Чимкентдан 40 км узоқликка қувиб чиқаради. Черняев рус подшоши Александр II дан ёрдам сўрайди. Султон Содик қўшинга ёш йигитларни олиб, уларга жанг техникасини ўргата бошлайди. Руслар бир ярим ой тайёргарлик кўриб, қайта хужум бошлайди. 1864 йили 18 сентябрдан 22 сентябргача Тошкентга борадиган йўлни босиб оладилар ва Чимкент шахрини артиллерия ёрдамида тинимсиз ўққа тутадилар. Чимкент кахрамонлари Тошкент билан алоқа қила олмайдилар. Шахарни сув билан таъминлайдиган Қашкарота булоғи руслар қўлига ўтгандан кейин Чимкент кахрамонлари сувсиз қолади.

Шундан кейин Алимкул ва Султон Содик ўз аскарлари билан Чимкентни ташлаб чиқиб, душманни ёриб ўтиб, Тошкентга борадилар. Шундай қилиб руслар Чимкентни 1864 йил 22 сентябрь куни қўлга қиритади. Боскинчилар учун бундан кейинги қийин масала Тошкент шахрини босиб олиш эди. Бу учун улар бор қучларини солиб тайёргарлик кўра бошлади. Боскинчиларга қаршилиқ кўрсатиш учун Тошкентда ҳам катта тайёргарликлар олиб борилади. Руслар Тошкентни қўлга қиритиш учун бир неча уринишлар қилса ҳам, уни босиб ололмадилар. Кейин руслар 1864 йил 1 октябрда хужум қилиб, 4 октябрь куни

шахарни босиб оладилар. Тошкент учун бўлган жангда душман тарафдан ўлган аскарлар жуда кўп бўлиб, бу микдорни боскинчилар хозирги кунгача яшириб келишади.